

Матбуот бир миллатни уйготиш учун биринчи омил бўлгонидек, унинг тарихи ҳам «уйгониш даври» тарихининг муҳим бир бўлаги саналадур.

Биз бу мақолада Самарканд матбуотининг тарихидан бурун Самаркандга қай вақтдан матбуот қира бошлагонини қисқагина ёзиб ўтиш фойдадан холи эмас деб биламиз. Самаркандга бошлаб қирган газета чор ҳукумати томонидан биринчи катла ўзбек тилида Тошкандда Остроумовнинг назорати остида чиқарилгон «Туркистон вилоятининг газети» бўлса керак.

Бу газета бошда халқ орасида тарқалгон бўлмаса ҳам, фақат волостнойхона ва қозихоналар қаби идораларга мажбурий суратда олдурилгони учун бундаги қози ва мирзолар томонидан хох-ноҳох ўқилур эди. Бу газетнинг халқ орасида бир оз тарқалиши рус-ёпун уруши вақтида бўлди.

«ТАРЖУМОН» ГАЗЕТАСИ

Богчасаройда Исмоилбек Гаспринский томонидан 1883нчи йилда чиқарила бошлагон. «Таржумон» газетаси 1889нчи йилларда Самаркандга қира бошлади. Бу газетани биринчи дафъа ерлик халқдан (89нчи йилда) Хожи Абдуқодир (меъмор) олдуруб ўқугон. «Таржумон» газетаси ҳам рус-ёпун уруши асноларида тараккийпарварлар ўртасида қўбрак тарқала боғлаб шухрат ва эътибор топди.

ЭРОН ГАЗЕТАЛАРИ

Эрон газеталарининг Самаркандга кайси вақтда кира бошлагонлиги очик билгулик бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, «Таржумон»дан илгари эмасдур. Техронда чиккан «Тарбият» билан Калкуттада чиккан «Хаблул-матин»ни биз фақат рус-ёпун уруши вақтларидагина кўрдик. Бу рўзномалар ёлғиз бундаги баъзи эрон савдогарлари орқали олинар ва тарқатилар эди.

1905нчи йилдан сўнг

5нчи йил 17нчи ўктябр манифестидан кейин керак Туркистонда ва керак Русияда турлук миллий газета ва мажмуалар чика бошлади. Буларнинг ҳар каюси Самаркандда ҳам бир мунча тарқалар эди. Самаркандга доимий суратда келиб турган ва халқ томонидан суйилуб ўқулмоқда бўлгон матбуотдан биринчилари «Таржумон», «Вакт» газеталари билан «Шўро» мажмуасидир.

«САМАРКАНД» ГАЗЕТАСИ

Самаркандда биринчи мартаба чиккан газета «Самарканд» газетасидур. Бу газета Самарканд маорифпарварларининг моддий ёрдами билан 1913нчи йилда (апрелда) марҳум Махмудхўжа Бехбудийнинг масъул муҳаррирлиги остида чика бошлади. Ҳафтада икки катла чиккан бу газета бошда ёлғиз икки бетлик бўлуб чика бошласа-да, 7-8нчи сонидан кейин тўрт бетлик бўлуб чикди. Газета 4-6 юз орасида босилар эди. Охири, мустабид ҳукуматнинг сиқиши ва моддий жихатдан торлиқда қолгонлиги сабаб ортик давом этолмай 44нчи сонидан тўқталмокка мажбур бўлди. Халққа янги фикрлар бериб раҳбарлик эта бошлагон «Самарканд» газетасининг тўқталиб қолиши ёшларга

ёмон таъсир этди. Хатто Хўканд ёшларидан Ақобир Шохмансур ўгли билан Мирзохид Оқилий ўртоқлар жамиятга келиб, газетани қайтадан давом этдирмак учун унга 500 сўм иона билан 200 обуна юборишга ҳозир эканликларини телегроф орқали билдирдилар.

Бехбудий афанди бундан сўнг газетани 45нчи сонини ёлғиз бир бетлик қилиб чиқарди ва шул сонда ҳамият эгаларига ташаккур этиш билан баробар бу иона ва ёрдам газетани асослик суратда узок муддат давом этдира олмаслигини билдирди. Бу тўғрида ўз фикрини ёзиб ўтди. Мазкур ионани ҳам қабул этмади.

«ОЙНА» МАЖМУАСИ

Бехбудий афанди «Самарканд»дан қолгон озгина сармоя билан барча оғирликларни ўз бўйнига олиб ҳафталик «Ойна» мажмуасини чиқара бошлади. Бу мажмуанинг биринчи сони 1913нчи йил августда чиқди. Босилиш сони 4-5 юздан ошмас эди. Ёлғиз Бехбудийнинг сабот ва матонати орқасида чиққан бу мажмуа тақрибан 20 ой давом этгандан сўнг турлук тазйикот ва моддий торлик сабабидан 1915нчи йилда тўқталди. Бу мажмуа тамоман 68 нўмер чиқди. «Ойна» халқни уйғотиш ва оқартиш учун яхшигина хидмат этди. Ул Туркистондан бошқа Тотористон, Қофқоз, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Мисргача тарқалар ва ҳар ерда суйилиб ўқулур эди.

ТЕЛЕГРОФ ХАБАРЛАРИ

1915нчи йилда Самарқандда босмаҳона эгаси Газаруфнинг масорифи билан бир муддат «Телеграф хабарлари» номида махсус қундалиқ варақа чиқа бошлади. Бу варақа ўзбекча тилда Хусайн Иброҳимов қалами билан ёзилар эди. Варақа 20-30 нўмер чиқиб тўқтади.

1916нчи йилда Саидризо Ализоданинг харжи ва калами билан «Агента телегрофлари» отлик варака чикарила бошлади. Бу варака ҳам ўзбекча бўлуб 500-1000 дона босилиб чикар эди. Бу ҳам кўб давом этолмай 14-15нчи сонларда тўкталди.

17нчи йил феврал ўзгаришидан кейин яна Саидризо томонидан форсий тилда «Варакаи телеграфот» исмида телеграф хабарлари чикарилди. Беш юз дона микдорида босилиб чиккан бу варака ҳам 20нчи сонларида тўкталди.

Мазкур йилда бир неча вақт «Зарафшон» китобхонасининг мудир Ақобир афандининг масъул мудир ва нашрида ўзбек тилида «Телеграф хабарлари» варакаси чикарилиб бу ҳам кўб давом этмай 50нчи сонидан тўкталди.

«ХУРРИЯТ» ГАЗЕТАСИ

17нчи йил феврал инқилобидан кейин Самаркандда маорифпарварлар томонидан ҳафтада икки катла «Хуррият» газетаси чикарила бошлади. (Биринчи сони 16нчи апрелда чикди.) Бошда бунинг масъул мухаррирлигига Мардонкули Шомухаммадзода тайин этилди. Бир муддатга Ақобир афанди масъул мудир бўлуб турди. 27нчи сонидан эътиборан унинг бош мухаррирлигига ўрток Абдурауф Фитрат тайин килинди. Газета 500-1000 дона орасида босилар эди.

«Хуррият» газетаси Керинский замонида ҳам «Уламо» ва «Шўрои ислом»га муқобил, аммо «Иттифок» жамияти камбағал меҳнаткашларга тарафдор, гўё шуларнинг ношири; афкори эди. Бу газета ўқабр инқилобидан кейин очикдан-очик ишчи ва фақир халқ фойдасига хидмат этди. Маорифпарварлар томонидан таъсис этилган «Зарафшон» ширкати бутун сармоясининг кулли бир қисмини шул газетанинг нашрига сарф қилди. Охири, газетанинг моддий ёқдан сиқилганини кўруб химматлик ёшлардан марҳум Мухаммадкул Ўрунбой унинг нашрини ўзининг зиммасига олди. Хар нарсанинг баҳоси

кундан-кун оша берди. Ортик газетани давом этдириш мумкин бўлмади. Охири газета, (1918нчи йилда) 87нчи сониди тўқталмоққа мажбур бўлди.

«МЕХНАТКАШЛАР ТОВУШИ»

1918нчи йилда (11 июнда) шўро ҳукумати томонидан «Мехнаткашлар ўқи» отлик газета чиқарилди. Бунинг масъул муҳаррирлигига Хожи Муин, таҳрир хайъатига Иффат хоним (Зоҳида Бурнашева) билан марҳум Шокир Мухторий тайин этилдилар. Бу газетанинг 5нчи сониди оти ўзгартирилиб «Мехнаткашлар товуши» қўйилди. Газета 500-2000 нусха орасида босилиб тарқалар эди. Бу газетанинг таржима ва таҳрир ишларида бир муддат Саидризо Ализода, Мухаммаджон Юсуфий, қори Мухаммадраҳим Тожи, Садриддин Айний афандилар хидмат этдилар. Буларнинг ичида биринчи даражада узун муддат ишлаган киши шубҳасиз Айний афанди эди.

«Мехнаткашлар товуши» газетаси 20нчи йилдан эътиборан вилоят фирка қўмитаси билан вилоят ижроқўмининг ношири афкори бўлиб давом этди. Бу газета, бир ёқдан, халқни ҳукуматга яқинлашдириш учун хидмат қилгонидек, иккинчи ёқдан, бузук ният билан ҳукумат идораларига кириб олиб халқни талайтургон унсурлар билан муҳоρίζа этар, улар ҳақида доим раҳмсиз суратда танқид ва қулғулик мақолалар ёзар эди. 21нчи йилда бу газетанинг оти ўзгартирилиб «Қамбағаллар товуши» қўйилди.

Ва газетанинг масъул муҳаррирлиги сўнгги йилларда турлук кишилар қўлига ўтса ҳам, лекин ул маънавий жихатдан юксала олмади. Охири, 22нчи йил ўрталарида 304нчи сониди тўқталди. Туркистонда шўро ҳукумати томонидан бошлаб чиқарилгон ва узун муддат яшагон газета шудир.

«ТАЁҚ» МАЖМУАСИ

«Мехнаткашлар товуши»да бир неча вақт босилиб тургон «Шапалок» ва «Таёк» исмларидаги бандлар халқнинг рағбат ва диққатини ўзига жалб этгани учун ҳукумат «Таёк» отлик хажвий бир мажмуа чиқаришга ижозат берди. Бу мажмуа 1920нчи йил январида ўн беш кунда бир қарра чиқа бошлади. «Таёк» журнали «Мехнаткашлар товуши»нинг таҳрир хайъати томонидан ёзилар эди. Ҳуруф ва қогоз озлиги учун бу мажмуа 8нчи сонида тўқгалди.

«БОЛАЛАР ЙЎЛДОШИ»

1919нчи йилда Самаркандда тоторлар мактабининг мудир ва муаллими ўртоқ Ҳабир Абдуллаевнинг ташаббуси билан маориф идораси томонидан «Болалар йўлдоши» исмида болаларга махсус бир журнал (тошбосмада) чиқарилиб, 3нчи сонида тўқталди. Бу мажмуанинг муҳаррири Ҳабир, масъул мудир Абдурашид Абдужаббор ўғли эдилар. Бунинг таҳрир хайъатида Айний афанди ҳам бор эди. Самаркандда биринчи мартаба болаларга таъсис этилиб, чиқарилгон мажмуа шу эди.

«ШУЪЛАИ ИНКИЛОБ» МАЖМУАСИ

1919нчи йилда вилоят фирка кўмитаси томонидан ҳафталик фурсча «Шуълаи инкилоб» мажмуаси чиқарилиб унинг муҳаррирлигига ўртоқ Саидризо Ализода тайин этилди. Бу мажмуа тақрибан минг дона босилиб Бухоро, Эрон ва Афғонистонгача тарқалар эди. Мажмуанинг доимий ёзгувчилари факат Саидризо билан Айний афанди эдилар. Сўнгги вақтларда қогоз ва тошбосма асбоби озайгондан бу мажмуа ҳам 1921нчи йил охирида 92нчи сонида тўқталиб қолди.

ДЕВОРИЙ «ШАРҚ» ГАЗЕТАСИ

1919нчи йил ноябр ойида ҳукумат томонидан «Шарк» исмида кундалик деворий газета чиқарила бошлади. Бу газета бошда Саидризо Ализодининг калами билан ёзилиб чиқса-да, сўнгра (1920 йили 3 июн) 64-сонидан эътиборан Мухаммаджон Юсуфийнинг кўлига ўтди. Бу газета 2 - 3 юз дона босилиб, 20нчи йилнинг охиригача 189 нўмер чиқди.

«Шарк» газетаси 1921нчи йилда ҳам давом этиб 13нчи августгача 132 нўмер чиқиб тўқталди.

«ЁШ КУЧ»

Ушбу от билан 21нчи йил май ойида Самарканд вилоятининг ёш коммунистлари томонидан деворий газета чиқарилгон бўлса ҳам, кўб давом этмай 3нчи сонидан тўқталди.

«ЗАРАФШОН» ГАЗЕТАСИ

1922нчи йил ўрталарида «Кизил байроқ» газетасида «Камбагаллар товуши» газетасининг огир холда қолганидан, 2-3 дафъа мақолалар ёзилди. Буларни назари эътиборга олиб Туркистон жумҳуриятининг марказий фирка кўмитаси Самаркандда «Зарафшон» отлик мунтазам бир газета чиқариш учун ўрток Гози Юнусни тайинлади. Гози ўрток Тошканддан бир неча пуд янги харф, 150 пудча яхши оқ қогоз ва иккита ҳуруфчин келтириб бунда (22нчи йил ўртаберида) «Зарафшон» газетасини чиқара

бошлади. Гози ўрток бу газетани хар жихатдан яхшигина йўлга кўйгондан сўнг ўзи (1923нчи йил бошларида) Тошкандга кетди.

Унинг ўрнига марказ фирка кўмитаси томонидан газетанинг масъул мухаррирлигига ўрток Али Исмоилзода тайин этилиб юборилди. Бу зотнинг гайрат ва фаолияти соясида газета тартиблик суратда хафтада икки катла чикиб турадир. «Зарафшон» газетасининг бу кунда керак халк ва керак ҳукуматнинг диққатини ўзига тортгонлиги билгуликдирким, буни шарх ва баён этишга хожат йўк.

«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 5 май